

## Факултет етакчиси сайланди

2018-йил 29-сентябр куни 2-маъруза залида “Гидромелиорация” факултети Ёшлар етакчилиги сайлови бўлиб ўтди. Сайловни факултет декани А.Фатхуллаев очиб берди. Сайловда ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Х.Тўйчиев ва институт “Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти етакчиси А.Бердимуродов ҳамда факултетда таҳсил олаётган академик гуруҳлар “Ёшлар иттифоқи” етакчилари ва талаба ёшларнинг 95 нафари иштирокида “Гидромелиорация” факултетининг Ёшлар Кенгаши ҳисобот-сайлови йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда факултет декани Алишер Фатхуллаев сайловни очиб берди ҳамда сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 5-июлда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони ва 2017-йил 18 - июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори мазмун - моҳияти, шунингдек, ўтган ўқув йилида факултетда амалга оширилган ишлар тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди ва талабаларни бундан фаол бўлишга чақирди. Йиғилишда шунингдек, институт “Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти ёшлар етакчиси сўзга чиқиб сайлов комиссиясига келиб тушган аризалар асосида, факултет етакчилиги вазифасини бажариш учун 4 нафар номзодлар рўйхатини ўқиб эшиттириб, иштирокчиларга муваффақият тилади. Шундан сўнг номзодларга очиқ овоз беришларини таъкидлаб ўтди. Номзодлар ўз сайлов олди дастурлари билан йиғилганларни таништириб ўтишди. Сайлов натижасига кўра, факултетнинг 2-курс талабаси Олимжонов Нодир Олимжонович “Ёшлар иттифоқи” етакчиси этиб сайланди.



**"Гидромелиорация" факултети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Х.Тўйчиев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**